

IN UZBEK ATTITUDE AND SPEECH CONNOTATION AND PRAGMATICS OF COLOR-EXPRESSIVE QUALITIES

Muattar Xirojiddinova
Basic Doctoral Student.

ANNOTATION

This article examines the issue of connotation and pragmatics in Uzbek attitudes and utterances of some qualities of color.

Keywords: quality, color-color, color-color qualities, blue, green, black, yellow, attitude, utterance, connection, synonymy, additional meaning, connotation, pragmatics.

ЎЗБЕК ТУТУМ ВА АЙТИМЛАРИДА РАНГ-ТУС БИЛДИРУВЧИ СИФАТЛАРНИНГ КОННОТАЦИЯ ВА ПРАГМАТИКАСИ

Муаттар Хирожиддинова,
таянч докторант.

Аннотация: Ушбу мақолада ранг-тус ифодаловчи айрим сифатларининг ўзбек тутум ва айтимларидаги коннотация ҳамда прагматикаси масаласи тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: сифат, ранг-тус, ранг-тус сифатлари, кўк, яшил, қора, сариқ, тутум, айтим, боғлиқликлик, синонимия, қўшимча маъно, коннотация, прагматика.

Аннотация: В данной статье речь идёт о некоторых цветообразующие прилагательных и их коннотация и прагматика в привычках узбекского народа.

Ключевые слова: прилагательные, цветовых прилагательные, белые, синие, зелёные, жёлтые, красных, управление, связанность, коннотация, прагматика.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йилнинг 18 ноябр куни тасдиқланган байроғимизда тўртта ранг мавжуд. Бу ранглар маълум мақсадларда танланган ва байроғимизнинг бошқа юртлар байроғидан ажралиб туришини таъмин этган. Байроғимиздаги мовий ранг - осмон ва обиҳаёт, оқ ранг - муқаддас тинчлик, яшил ранг - табиатнинг янгиланиш рамзидир. Қизил чизиқлар вужудимизда жўсқиб оқаётган ҳаётини қудратни ифодалайди. Тилшуносликдаги коннотация ва прагматика масалалари айнан ўз маъноси ёнига қўшимча маъно билан кириб келган сўзларга нисбатан ишлатилади. Бу денотатив ва коннотатив маъно, прагматика ҳодисалари билан боғланади.

Кези келганида масаланинг ана шундай томонларига, яъни денотатив ва коннотатив, парадигматик жиҳатларига мухтасар тўхтаб ўтишга тўғри келади. Тилшуносликда лингвопоэтикага бўлган эътиборнинг кучайиши коннотация ва унинг ифода воситаларига доир кўплаб тадқиқотларнинг юзага келишига туртки бўлди. А.Липгартнинг қайд

этишича, лингвопоэтик таҳлил семантик ва метасемиотик таҳлил асосида ойдинлашади. Метасемиотик таҳлил тилнинг *мулоқот – хабар – таъсир этиш* вазифалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни намоён этади [1, 73] Бу эса тилнинг таъсир этиш функцияси, яъни коннотатив аспекти лингвопоэтик таҳлилда муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

Тил бирликларининг денотатив ва коннотатив маъноси рус тилшунослигида XX асрдан ўрганила бошланган. А.В.Филипповнинг “Лексик коннотация муаммосига доир” номли мақоласи [2], В.М.Говердовскийнинг “Коннотация тушунчаси тарихи”, “Сўзнинг коннотем тузилиши” [2] сингари китоблари, Е.Ф.Лебедеванинг “Бадий асар матнида ифодаларнинг коннотатив воситалари” [2], Н.А.Вострякованинг “Лексик бирликларнинг турли даражалардаги тасвифи” [2] каби мақолалари буни ёрқин далиллайди.

Ўзбек тилшунослигида бу масалага А.Ғуломов, А.Ҳожиев, А.Абдуллаев, М.Миртожиев, Р.Қўнғуров, Ш.Ғозиева, С.Ғойибов, Р.Ҳадятуллаевларнинг тадқиқотларида у ёки бу даражада муносабат билдирилган, яъни зикр этилган олимларнинг ишларида ўзбек тилида эмоционал-экспрессивликни ҳосил қилувчи фонетик, лексик, морфологик воситаларга тавсиф берилганда коннотатив маъно нима эканлигига урғу берилган ўринлар кўп учрайди. Бироқ айтини масалада сўз юритган олимлар ҳам талайгина. Масалан, М.Мамадалиева коннотация прагматик ҳодиса сифатида баҳо муносабати билан узвий боғлиқлигини таъкидлайди [3, 40-42]. З.Мамаражабова эса коннотатив маънонинг экспрессив бўёқ асосида белгиланишини, яъни унинг экспрессивликка ишора қилишини қайд этади [4,18]. Э.Қиличев, Б.Қиличевлар эса коннотатив маънонинг (К) сўз семантикасида (С) денотатив маъно (Д) ажралгандан кейин ҳосил бўлган айирмага тенглигини кўрсатадилар. Яъни: $K = C - D$. Уларнинг қайд этишича, сўзнинг коннотатив маъноси нафақат контекстда, балки муайян синонимик қаторда ҳам юзага чиқиши мумкин. Бунда коннотатив маъно сўзларнинг парадигматик муносабати асосида белгиланади. Шу нуқтаи назардан, тилшуносликда коннотациянинг ингерент ва адгерент турлари фарқланади. Ингерент коннотация бу – сўзнинг контекстан ташқари олинган ҳолатда англанадиган, адгерент коннотация – сўзнинг маълум контекст асосида англашилувчи коннотатив маъносидир [5,68]. Юқорида баён этилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, коннотация денотатив маъно устига қурилиб, унга қўшимча маъно (экспрессив-эмоционал маъно) юкловчи ҳамда нутқ субъектининг воқеликка баҳо муносабатини ифода этишга хизмат қилувчи тилнинг семантик-прагматик аспекти ҳисобланади.

Коннотациянинг нутқий вазият, контекст ёрдамида реаллашувчи ҳодиса эканлигини инобатга олинадиган бўлса, у прагматиканинг тадқиқот объекти эканлигини англаш мумкин. Ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг прагматик табиатини ўрганишга дастлаб XX асрнинг 80-йилларида эътибор қаратилган. Бу даврда А.Нурмонов, Н.Маҳмудовларнинг кўмакчилар ҳамда риторик сўроқ гапларнинг пресуппозицион хусусиятлари тавсифига доир илмий мақолалари эълон қилинган [6]. Бу масала кейинги даврларда айрим морфологик бирликлар ҳамда матн таҳлили мисолида махсус тадқиқот объекти бўлди [7].

Прагматика тилшунослик фанининг янги соҳаларидан бўлиб, у бир қанча масалаларни ўз ичига олади. Лингвистик прагматиканинг умумназарий

масалалари қуйидагилардан иборат: тил бирликларининг нутқ вазияти, контекст билан боғлиқ жиҳатлари, кишилар ўртасидаги муносабатни ифода этувчи нутқий этикетлар, нутқнинг ижтимоий хосланиши, ифоданинг субъектив модал аспектига алоқадор кириш, баҳо билдирувчи сўз ва воситалар, инсоннинг ички руҳиятини ифода этувчи дискурс ҳамда пресуппозиция ҳодисасини ўрганиш. Коннотация ҳам прагматиканинг ўрганиш объекти сифатида нутқ жараёнида юзага чиқади. Унинг юзага чиқишида турли хил тил бирликлари хизмат қилади.

Ўзбекона тутум ва айтимлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бўлса, ранг-тус билдирувчи сифатлар ҳам шу тутум ва айтимлар доирасида яшовчан унсур сифатида муайян воқеа-ҳодисаларни ифодалаш ёки шу ҳодисаларнинг ҳаётийлигини таъминлаш маъноларини ифодалашга ёки уларга қўшимча эмоционал маънолар юклашга хизмат қилади. Тутум ва айтимлар ифодасида ранг-тус ифодаловчи сифатлар асосан сўз бирикмаси, қисман қўшма от ёки қўшма сифат шаклида гоҳ маъни ифодаловчи унсур, гоҳ сўз-шаклнинг ажралмас бўлаги сифатида қатнашади ҳамда маълум бир воқелик ифодачисига айланади. Ранг-тус сифатлари ифода йўсинига тегишли бирикма доирасида келиб, аниқловчи ёки ҳолат равиши вазифасини бажаради ёки ўрни билан отлашиб, баъзан эса, бутунлай отга кўчиб ўзининг биз назарда тутган функциясини бажаради. Ана шу жараёнда ранг-тус сифатлари коннототив маъно ифодалашга кўчади, ижобий ёки салбий вазифани ўташга хизмат эта бошлайди. Кузатувларимиз шундан далолат қиладики, ранг-тус билдирувчи сифатлар айтимлар шу мақсадларда кўпроқ коннототив вазифани бажаришга хизмат қилади. Уларнинг прагматик белгилари ҳамда лингвопоэтик хусусиятлари ҳам ана шу жараён доирасида ёрқинроқ юз кўрсатади.

Аслида, сифат, хоссатан, ранг-тус билдирувчи сифатларнинг умумтуркий ва ўзбекона тутум ҳамда айтимлар билан боғлиқлигининг илдизлари жуда узоқ тарихга бориб тақалади. Биргина диний масалаларга назар ташланса ҳам, бунинг далилини яққол кўриш мумкин. Хизр алайҳиссаломни то даври қиёматгача барҳаёт эканлигини “яшил” сифати билан ифодалаш барча мусулмон минтақаларга хос. Ёки “қора” ранг-тус сифати “улуғлик” “донишлик”, “бузруклик” маъноларида истифода этилганлиги сабабидан “қорахонийлар” салтанати қурилган ва минтақамизда давлатчиликнинг илк кўриниши сифатида икки юз йил давомида барқарор давлат мақомида турган. Юртимизнинг деярли барча ҳудудларида мавжуд бўлган “Оқтепа”, “Қоратеп”, “Қизилтепа” сингари топонимлар ҳам бежиз қўйилмаган. Масалан, “Оқтепа” топоними кузатув истехкоми қурилган масканни англатган бўлса, “Қоратеп” топонимида ҳам тупроқнинг қоралиғи (денотатив маъно), ҳам бирор улуғ – азиз-авлиё дафн этилган ҳудудни англатган. Ёки туркийларнинг иссиқ ёки совуқ маъракаларида айтимларнинг ранг-тус сифатлари уларнинг руҳоний ҳолатларини ҳам ўзида намоён қилган. Масалан, олдиларидан қора мушук ўтса, бош кийимларини уч марта айлантириб, калима ўгириш одати яқин-яқингача сақланиб келган. Азаларда қора ёки қўқ рангли кийимлар кийиш, аза ниҳоясида оқ рангли кийимлар (ёхуд рўмол ўраш) билан алмаштириш, ранг-тус сифатларини ортторма даражада истифода қилиб, “ҳаётимнинг қоп-қора кунлари”, “бу одам қип-қизил жинни бўлибди” дейишлари ҳам ана шундай ҳаётий жараёнлар билан боғланиб кетади.

Ўзбекларнинг кийим-кечаклари лексикасида ҳам ранг-тус сифатлари билан боғлиқ предметлар кенг истифода қилинган. Дейлик, кийим қандай матодан тикилган бўлса, ўша

матонинг ранг-туси ҳисобга олиниб номланган. Чунончи, “малла чопон” – малла рангли ишдан тўқилган бўздан тикилган чопон назарда тутилган бўлса, “малла чакмон” малла рангли жун ишдан тўқилган матодан тикилган чакмон назарда тутилган. Бундан ташқари, кийим-кечак лексикасида “қизил тўн”, “байтар тўн”, “олабайроқ тўн”, “хумсабзи тўн”, “қуроқ тўн” сингари бирикмали кийим-кечак номлари ҳам учрайди. Қизил тўн – арғувоний тўн, “байтар тўн” – қизил алап ёки чит тўн, олабайроқ тўн – қизил, сариқ, оқ йўлли тўн, хумсабзи тўн – яшил рангли чивик йўлли банорас тўн, қуроқ тўн – ҳар хил ёки бир хил рангли матодан қураб (улаб) тикилган тўн тушуниланган. Шунингдек, “чамандагул дўппи” дейилганида турли рангдаги ипаклар билан чиройли гуллар солиб тикилган дўппи назарда тутилган [8].

Ўзбек тилида кенг истемолда бўлган фразеологизмларда ҳам ранг-тус сифатлари кўпроқ қўшимча маъно англатишга бўйсундирилган. Масалан, “оқ кўнгил”, “оқ кўнгилли”, “оқ билан қорани ажратмоқ”, “оқ туя кўрдингми – йўқ, кўк туя кўрдингми – йўқ”, “сарик чақа”, “қорасини кўрсатмай кетди”, “қораси ўчсин”, “қора терга ботди”, “қорамағиз” сингари фразеологизмларда коннототивлик юқори даражада эканлигини англаш қийин эмас [9].

Ўзбек тилининг сўзлашув нутқида шундай ибора ва ифодалар учрайдики, уларнинг коннототив маъносини англаб олиш у қадар қийин эмас. Масалан, яхши ниятли кишилар назарда тутилганда “нияти оқ”, бирор инсоннинг ташқи чиройи, дейлик юзининг ранги ҳақида мулоқотларда гап борганида “бу келин ҳудди сутга чайиб олгандек, оппоғ-а”, “Вой, айланиб кетай, оппоқ қизимдан”, “Мана бу дорини ичиб олсангиз оппоққина бўлиб қоласиз” ёхуд “опош бўлиб қолдингизми”, “Қораси ўчгунча қараб турдим жуваннимagni”, “оқ сутимни кўкка соғаман” сингари ифодаларга дуч келиш мумкин. “Осмон сўзига муқобил ишлатиладиган “кўк” отида ҳам ранг-тус белгиси сезилиб турса, “майса” маъносида истифода этиладиган “кўкат”, “кўк” отлари ички маъносида ана шу белги “мана ман” деб туради. “Жаҳли тез бу сарикни” дейилган инверсияли жумлада ранг тус сифати кишининг феъл-атворини ифодалашга хизмат қилган бўлса, “Қора домла”, “Қора амма” сингари изоҳловчи-изоҳланмиш муносабатларида ҳам ташқи қиёфа, ҳам феъл-атвор ҳақидаги информациянинг мужассамлиги кузатилади. Тинч оҳанг билан айтилган “Офтоб олачалпак соя ташлаб турарди” жумласидаги “олачалпак” сифатида денототив ва коннотатив маънолар қоришиқ ҳолда ифодаланганини сезиш мумкин. “Қора қош”, “қора кўз” сингари бирикмаларда ижобий оттенка ифодаланган бўлса, “нияти қора”, “ичи қора” каби бирикмаларда салбий маъно оттенкаси кузатиш мумкин.

Агар буларни маълум бир тизимга солиб кўрилса, қуйидагилар ҳосил бўлганлигини кузатиш мумкин.

1. Антропонимларда ранг-тус билдирувчи сифатлар кишилар терисининг рангини ёки феъл-атвори билан боғлиқ томонларни ифодалайди: Маҳмуд сариқ – икки томонлама коннотатив маънога эга бўлади: бир томондан, ранги билан боғлиқ, иккинчи томонда характер – феъл-атвори билан алоқадор. Шунингдек, Салим қора, Қоровой ака, Бойсари, Сарибой, Малла ака, Нормухаммад, Ҳамробека, Гулбаданбегим, Оқбилакойим каби киши номларида ҳам ана шу маъноларнинг таъсири сезилади.

2. Зоонимларда ранг-тус билдирувчи сифатларнинг вазифалари (оқ барс, қора байир, саман от, кўк айғир, ола от, қизил бия, оқ моя сингари) ҳам икки томонлама аҳамият касб этади.

3. Тўй-томошаларда ранг-тус билдирувчи сифатларга юкланадиган вазифалар (турли томошалар, масалан, дор ўйинларида дорбозларнинг олачалпак чопон кийиши, қизиқчиларнинг юзларини турли рангларга бўяши, хонадонларда ҳар хил рангдаги кийимлар кийиши, турли тусдаги қийиқлар боғлаши, асосан, ёрқин ранглардан фойдаланиши, уйларга осиладиган палакларнинг ранглари, эркаклар ва хотин-қизларнинг дўшпиларининг рангларидаги тафовутлар, келинлар кийимларидаги турли хил ранглар) ҳам ўз вазифаларига монанд қўлланилади.

4. Совуқ маросимларда ранг-тус сифатларининг маълум маъноларга ишора қилади (қора ёки кўк либос кийиши, кейинчалик оқ рангли кўйлак ёки рўмол боғлаши, аёлларнинг ўткир рангли – қизил, қирмизи, олачипор рангли кийимлар киймаслиги).

5. Фолклор материалларида ранг-тус сифатларидан фойдаланиш. (қўшиқлар, айтишувлар, ўйинлар, мақоллар, эртақлар (“Зумрад ва Қиммат” эртагида оқ ва қизил сандиқ деталлари, “Галдир” кўшиғида “Оқ илон, оппоқ илон, Ойдинда ётганинг қани?” ёки бошқа кўшиқда “Олма гули нопормон” дейилиши, мақолларда ранг-тус сифатларининг алоҳида вазифалар бажариши)

6. Жанг жараёнида таслим бўлган томоннинг оқ байроқ кўтариши.

7. Баҳорий маросимларда кўк сомса, кўк манти, кўк патир пиширишлари;

8. Ақллилик, нуронийлик каби ҳолатларини ифода қилишда: “оқсоқол, мўйсафид”, “оқсочли” сўзларининг ишлатилиши.

9. Уй хизматкорларига “оқ соч” деб мурожаат қилиниши каби.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тутум ва айтимларида ранг-тус сифатлари алоҳида вазифалар бажаришга ўтади ва фикрни барча учун тушунарли ҳамда таъсирчан ифода қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. – М., 2006.
2. Филиппов А.В. К проблеме лексической коннотации // Вопросы языкознания. – Москва, 1978. – №1. – С. 57-63; Говердовский В.И. История понятия коннотации. – М., 1979. – 83 с.; Говердовский В.И. Коннотемная структура слова. – Харьков, 1989. – 96 с.; Лебедева Е.Ф. Лингвистический анализ текста. – Иркутск, 1985. – С.69- 74; Вострякова Н.А. Понятие коннотации в современной лингвистике // Разноуровневые характеристики лексических единиц. – Смоленск, 2001. Ч. 1. – С.35-42. ва б.
3. Мамадалиева М. Номловчи бирликларнинг ички маънолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2000. – №. 6.
4. Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари: Филол. Фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т.: 2004.
5. Қиличев Э., Қиличев Б. Коннотатив маъно ва унинг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2006. – №. 6.
6. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: – 1986. – №6. – Б. 28-31; Нурмонов А. Кўмакчи конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1986. – №6. – Б. 42-45.

- 7.Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фанлари номзоди ...дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 23 б.; Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Т.: 2001. – 49 б.
- 8.Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари луғати. – Т.: Фан, 1981.
- 9.Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1978.